



# БАРАКАЛЛА, АЗАМАТЛАР!

Спорт

Кейинги пайтда боксчиларимизнинг жаҳон турнирларидаги ғалабасига кўнишиб қолдик. Ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталари кўплаб нуғузли мусобақалар, хусусан, Атланта олимпиадаси, Осиё ўйинлари ва Осиё биринчи лигидаги муввафқиятига иштирок этишиди. Американинг Хьюстон шаҳрида ўтказилган Жаҳон чемпионатидаги боксчиларимиз қўлга киритган ютуқлар эса барчамизни лол қолдиди.

Хьюстонда Ўзбекистон боксчилари ўн икки вазн тоғасида куч синашиди. Терма жамоа сафида "Динамо" жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг тўққиз вакили иштирок этиди. Қизгин баҳслардан сўнг Махаматқодир Абдуллаев (63,5 килограмм) финалда французы Вилл Бленни, Ўткир Ҳайдаров (75 килограмм) эса руминиялик боксчи Андриан Диаконни сенгуб, олтин медални қўлга киритдилар. Кумуш медаль эса сўнгти учрашувда америкалик Рикардо Суаресга имкониятни бой берган Тўлқинбой Турсуновга (57 килограмм) насиб этиди. Яна уч динамочи чорак финалга чиқиб, рақиблари билан 5-8 ўринларни бўлашиб олишиди.

Булар жамоа ҳисобига ўз таъсирини кўрсатмасдан қол-



мади. Ўзбекистон терма жамоаси 83 жамоа орасида муввафқият қозонди ҳамда АҚШ, Куба боксчиларидан кейин учинчи ўринни эгаллаб, юқсанак натижани қўлга киритди.

Эришилган ютуқда кўплаб вакиллари чемпионат қаҳрамонлари бўлган Андриён бокс мактабининг қўшган ҳиссасини таъкидлаш жоиз. Мураббийлар А. Размаков ва М. Кўчкоровлар Ватанимиз донгини оламга таратган жаҳон тоғасидаги спорт усталарини тайёрлашга муввафақ

булишгани таҳсинга сазовордир.

Тошкент аэропортида боксчиларимизни спорт ишқибозлари қизгин кутиб олишиди. Тантанада иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Рисқисев боксчилар М. Абдуллаев, Ў. Ҳайдаров ва Т. Турғуновларни жаҳон чемпионатидаги ғалаба билан қизгин кутлади ҳамда Президентимизнинг уларни фахрий унвонлар билан тақдирлаш ҳақидаги Фармонини етказди.

Учрашувда республика Давлат

жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси Б. Махситов, Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси президенти С. Рўзиевлар иштирок этишиди.

Катта воқеага айланиб қолган Хьюстон чемпионати тўғрисида ҳали мукаммал ёзилади, албатта. Бугун эса барча боксчиларимизни ажойиб ютуқлар билан яна бир бор кутлаймиз. Баракалла, азamatлар!

**Ўз мухбиришимиз.  
Сурат муаллифи  
Ш. ЗУФАРОВ.**

## "02" ХАБАРЛАРИ

### 50 МИНГ СЎМГА ДИПЛОМ

Марғилон шаҳрида шу йилнинг 20 августан вилоят ИИБнинг коррупция рэқет ва терроризмга қарши кураш бўлими ҳодимлари томонидан ўтказилган тадбир давомида диплом пулловчи қўлга олинди. Каранг, беш йил бош қотириб, вакт ўтказиб, қанча пул сарфлаб ўқимаса ҳам бўларкан. Тайёр диплом пулловчилар бор экан.

50 ёшга кирган "Марказий Фарғона" тиббиёт-санитария кисмida фельдшер бўлиб ишловчи А. И. ўз уйидаги 40 ёшли X. Я. га 50 минг сўмга Андижон вилояти педагогика институти дипломини сатаётганда қўлга олинди. Менимча терговчи: "Нега ўзингизга тиббиёт институти дипломини сотиб олмадингиз?", – деган савонни ҳам берса керак.

### ЧОЛНИ ТУНАГАН... ҚЎШНИСИ

Қиргули тумани Ш. Рашидов кўчаси 22-хонадонида яшовчи нафақадор Настин Михайлнинг ўз уйидаги масти ҳолда ухлаб қолганлигидан фойдаланиб, уйига кириб, 300 АҚШ доллари ва 20000 сўм пулини ўғирлаб кетишиди. Бечора чол ўзига келиб дарров бойлигини хисоблаб буни аниклаган, сўнгра албатта милицияга мурожаат қылган. Буни карангки, чолни тунаган унинг аёл қўшни бўлиб чиқди. У далилий ашёлар билан қўлга олинди.

### 41 ЁШЛИ ЎФРИ

Олтмиш ёшни қаршилаётган Марғилон шаҳрида яшовчи "Муроджон" хусусий фирмаси бошлиги Иброҳим Даҳабоевнинг уйидан кимdir анчагина ўрзгор буюларини ўмарib кетибди. Бу ҳакда милиция хабар топгач, дарҳол ишга киришиди ва тунги ишбилиармони аниклаб, далилий ашё билан қўлга олди. У 41 ёшли А. Ш. деган шахс бўлиб чиқди.

Фарғона вилояти ИИБ.

## КАТТА САМАРАЛАР ОМИЛИ

Мамлакатимизда ҳуқуқий давлат қуриш сари дадил ҳаракатлар боряпти. Бунинг учун аввало тинчлик ва осоиштиликтининг барқарорлигига эришиши ҳамда мустаҳкамлаш лозим, албатта. Ички ишлар идоралари ҳодимлари бу борада зиммаларига юкландиган вазифаларни бажариш борасида тинмай изланиб, жиноятчиликнинг олдини олиши, унга қарши курашни кучайтироқмодалар. Давр ишни қайта ташкил этиши, куляй, самаралар усусларни топиб, кенг фойдаланишини тақозо этмоқда. Шу ўринда пойтахт милицияси хизматида намуна сифатида бир қатор қайта тузишлар ўтказилганини айтиб ўтиш жоиз.

Албатта, ҳар қандай синов, ўзгариш бирданига катта-катта самаралар бериши қийин. Чунки, аввало ўтказилаётган синовларга ўрганиш, уни тўлиқ тушуниб етиш учун вакт керак бўлади. Милиция хизмати, аникроғи жиноятчиликнинг олдини олиши ва жамоат тартибини сақлаш хизмати фаолиятидаги айrim ўзгаришлар ҳақида ўз фикримни билдиromoқчиман.

Маълумки, илгари битта участка вакили 5-6 минг аҳоли яшайдиган ҳудудга хизмат кўрсатарди. Бунинг ўзига хос қийинчиликлари бор эди. Албатта, бир киши беш-олти минг кишилий ҳудудни айланиб, тинчлик осоиштиликтини сақлаш турishi қийин эди. Ҳозир эса профилактика инспекторлари 2-2,5 минг аҳоли яшайдиган ҳудудда хизмат кўрсатишпти. Энди милиция ҳодими ўз участкасидаги фуқароларни яқиндан билиши, тез-тез мулоқотда бўлиши, уларнинг хатти-ҳаракатларини яхшироқ кузатиб бориши мумкин бўлди.

Ҳозирги кунда Мирзо Улуғбек тумани ҳудудида янги ташкил этилган 50 та милиция таянч пунктлари замонавий тарзда жиҳозланиб, телефон ва бошқа зарурий нарсалар билан таъминланти. Участка таянч пунктидаги профилактика катта инспектори ва яна

икки-уч нафар инспектор хизмат кўрсатипти. Кейинчалик таянч пунктларида кеча-кундуз узлуксиз навбатчилик йўлга кўйилади. Бу эса милиция ҳодимларининг ҳудудни доимий назорат килиб боришиларiga қулайлик яратади.

Ички ишлар ҳодимлари билан жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ҳақида кўп гаплар айтилади. Энди фикринг амалийтига яна бир омил бўлди, деб ҳисоблайман. Махалла посбонларининг ташкил этилиши айни мудда бўлди. Тумандаги 50 та маҳалла посбонлар хизмати ташкил этилди. Посбонлар сардорларига маош тайинланиши уларнинг ўз вазифасига бўлган масъулиятини янада ортириди. Бахтиёр Алимов, Ойтул Кожебекова, Алик Гасанов каби сардорларнинг ишлари намунали бўлмоқда. Махалла посбонларининг беш нафар иборат кўрсатиб ташкил сардори шаҳар ИИБ ҳодимларининг томонидан қимматбаҳо соғалар билан мукофотланди.

Махалла фуқаролар йигини фаолларининг милиция ҳодимларига яқиндан ёрдам берётганликлари туфайли ҳам турли хил жиноятчиликларнинг олди олинмоқда. Шу ўринда "Бўз-8" маҳалла фуқаролар йигини раиси Ш. Мирзаков, "Гулистан", маҳалла фуқаролар йигини раиси С. Оқмирзаев, "Янги ҳаёт" маҳалла фуқаролар йигини раиси А. Фуфуровларни тилга олиш мумкин.

Пойтахт милицияси фаолиятидаги намуна сифатида қўлланилаётган хизматлар тинчлик ва осоиштиликтини сақлашда катта самаралар бериши шубҳасиз. Буни дастлабки натижалардан кўриш мумкин. Чунки, ички ишлар идоралари билан жамоатчиликнинг ҳамкорлиги мустаҳкамланниб, жиноятчиликнинг ҳар қандай кўринишларига ҳарши биргаликда кураш олиб бориляпти.

**Сафарали ЖУМАНИЁЗОВ,  
МИЛИЦИЯ ПОДПОЛКОВНИГИ.**

## ҲАМ ҚУВОНЧ, ҲАМ МАСЪУЛИЯТ

Навойи вилояти ички ҳодимлари ҳам Мустақиллигимизнинг саккиз йиллик тўйини муносиб кутиб олишиди. Байрам ва тантаналар улар учун аввалимбор масъулият демакидир. ИИБ ҳодимларини таъминлаш бўйича барча чора-тадбирларни кўришиди. Бу борада ички қўшиналар бўйича олнидни ҳабар олинди. Ҳеч бўлмагандан кеч бўлгани яхши деганларидек, таҳририят жамоаси, барча муштариликлар самимий байрам табригимизни қабул қилгай! Юртимиздан тинчлик-хотиржамлик, кут-барака аримасин!

## УМИДЛИ ДУНЁ

(Мусоҳаба)

Техника асри деб эътироф этилган XX асрнинг адодида Бухоро вилоятида ҳам йўл-транспорт ҳодисалари тез-тез учраб турибди. Ана шундай кўнгилсиз воқеаларни имкон қадар камайтириш, ҳайдовчи ва пиёдалар ҳайтини хавф-хатардан сақлаш ДАН ҳодимлари зиммасига юклатилган энг масъулиятли вазифадир.

Жамоатчи мухбиризим Абдуҳалим Примов яқинда Қоровулбозор туманида бўйлиб, ДАН ҳодимлари бу борада амала ошираётган ишлар билан танишиш мақсадиди туман ички ишлар бўйими Давлат автомобиль назорати бошлиги, милиция майори Ҳамроқул Шарипов билан сухбатлашди.

Қуйида ана шу сухбатни эътиборингизга ҳавола эта- миз.

– Ҳамроқулжон, келинг, яхшиси анъанавий савол-жавоб эмас, ички сухбатдошнинг оддийгина гурунги асносида гаплашайлик.

– Жуда яхши. Баҳонада бир йоловчининг бизнинг фаолияти миз ҳақидаги фикрларини ҳам билиб олардик.

– Транспорт воситаларининг кун сайн кўпайиши йўлларда қатновнинг тигизлашишига сабаб бўлади. Табиийки, ҳаракат қоидаларининг бузилиши ҳам бирмунча ошиди.

– Биласизми, Абдуҳалим ака, бизнинг вазифамиз, транспорт воситалари сонининг кўпайишидан қатни назар, кўча ҳаракати қоидаларининг хайтовчи ёхуд пиёдалар томонидан бузилишини камайтириш, баҳтсиз ҳодисалар содир бўлишининг олдини олишдан иборат. Фаолиятимизнинг мезонини ҳам ана шундай фалокатларнинг камайши беғлиларди.

– Баъзи давраларда, тўй-маъракаларда, хусусан тўрт ҳайдовчи тўпланган жойда "Фалончи ГАИ" унди, буниси бундай... беҳуда, кераксиз жойда тўхтабид одамни овора килади.

– Йўлнинг кераксиз жойи йўқ, ҳар қадамда бахтсиз ҳодиса содир бўлиши мумкин. Қолаверса қоидабузлар кўпроқ овлоқ йўллардан юришиди. Ҳужжатсиз ёки масти ҳолатда машина бошқарадиганлар бизнинг кўзимизни шамғалат қилмоқчи бўлишиди. Бу билан улар ўз ҳаётларига ҳам, пиёдалар ҳаётига ҳам хавф солишиди. Тўғри, ҳужжатларни текширамиз. Ҳаммаси рисоладагидек бўлса, ҳайдовчига оқ йўл тилаймиз. Мабодо машинада техник носозлик бўлса, улар айтганда, бироз овора килишга тўғри келади.

– Оммавий ахборот воситаларидан хабардор бўлиб борамиз. Тури тадбирлар ўтказасизлар. Наҳотки, самара бермаса?

– Э, нимасини айтасиз, Абдуҳалим ака, жорий йилнинг олти ойи мобайнинда "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги", "Диккат, пиёда", "Мотоцикл", "Трактор", "Светофор", "Диккат, темир йўл кесишмаси", "Диккат, болалар", "Тоза ҳаво" сингари ўнлаб тадбирларни ўтказдик.

Биргина Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги давомида бўлинмадиган ҳодимлари корхона, ташкилот, таълим-тарбия масканлари, хўжаликлар, аҳоли тўпландиган жойларда маъруза ва сухбатлар уюштириди. Ҳозир ҳам тарғибот-ташвиқот ишларини бўшаштирганимиз йўқ.

Буни қарангки, тадбирнинг дастлабки ҳафтасида 152 та қоидабузлар ҳолатлари аниқланди.

– Наҳотки? Ахир, бу ҳар куни ўртача 22 тадан қоидабузларлик дегани-ку.

– Афսуски, шундай. Ҳали бу – биз аниқлаганимиз. Бўлинмадига 7 ҳодим ишлайди. Шулардан тўрт нафари йўл постлари нозирларидир. Биз кенг жамоатчилик мададига таяномимиз лозим.

– Демак, йил давомида минглаб қоидабузларликларга дуч келасизлар.

– Ҳа, биргина жорий йилнинг ўтган даври мобайнинда 3057 та қоидабузларлик ҳолатлари аниқланди. 54 нафар ҳайдовчи масти ҳолда техника воситаларини бошқарадиган пайтда тўхтатилди.





Бодагул Бекжонова – корақалпок қизи, Чимбай ту манида, хизматчи оиласида туғилған. Тошдунинг хукуқшунослик факультетини ағло баҳолар билан битиргач, Нукус шаҳар ички ишлар бўлимида бир неча йил терговчи бўлиб ишлади. Турмушга чиқиб, икки қиз, бир ўфили бўлди. Хар қандай шароитда ҳам севимли касбидан айрилмади. Туманларда судья бўлди. Мана, 17 йилдирки, у Коракалпогистон Республикаси Олий суддининг судьяси.

Куйида мухбиришим Ш. Худойбердиеванинг Б. Бекжонова билан сұхбатини ҳавола этамиш.

... Суд мажлиси давом этмоқда. Ҳамманинг нигоҳи ўзи нозиккина бўлса ҳам саволлари пишиқ-пухта, сўзлари кескир судья аёлда. У ўзини ҳар томонга ташлаб, жавобларини чалкаштиришга, суд залида ўтирганларни чалғишишга уринаётган судланувчининг гаплари орасидан керакларини шартта “ушлаб”, саволлар беради – судланувчи охир-оқибат ўз айбини чукур англаб етгани, қилмисидан пушаймонлигини айтиб, кечирим сўрашга, тавба-тазарруга тушади.

– Ҳар бир инсонни қонун номи билан судлар эканмиз, ундан аниқ-равшан, тўғри жавоб олишимиз судланувчининг ўз айбига чин дилдан икрор бўлиши, гуноҳини англаб етиши жуда муҳим, – дейди Бодагул Бекжонова. – Судланувчи ўзини нима учун, қайси айблари туфайли судланадиганни тушуниб етмас экан, у ва қариндошлари чиқарилган хукмдан норози бўлиб, идорама-идора аризабозлик қилиб юраведи...

– Чиқарилган хукмни тўғри деб билган, жазо муддатини ўтаб қайтгач, сизга раҳмат айтган фуқаролар ҳам бўлганими?

– Албатта. Ишимида баязан тергов даврида бир хил кўрсатма бераб, судда кўрсатмаларини инкор қиливчилар ҳам учраб қолади. Уларнинг айбини далил-исботларни ўрни-ўрнига кўйиб, исботлаб берсангиз, “Э мен шуну тушумаган-бўлмаган эканман”, деб айниқса, охирги сўз берилганда айбидан пушаймон бўлиб,

– Жиноятларининг қайси тури кўпроқ учрайди?

– Кейинги йилларда гиёхванд моддаларни олиб-сотиш билан шугулланувчилар устидан судлов кўпайиб кетди. Буларни кўпроқ ёшлар ташкил қилаёттани ташвишларни даридир. Масалан, геройн билан ушланган Т. Ражабов (1975 й.т.), А. Рейимбоеv (1973 й.т.), М. Рўзимов (1961 й.т.)ларни судлайдик. Куч-куватини қаерга сарфлашни билмаган, лекин осон ва қалтиш ўйл билан пул топиб, бойиши уринган бу йигитларни инкитаси ишламайди. Т. Ражабов эса ҳиссадорлик жамиятларидан бирида юрист-маслаҳатчи бўлиб ишлаган. Бундан ташқари 1967

йилда туғилған судланувчи К. Раимовнинг олтига боласи бор, И. Тажимов (1972 й.т.), Ф. Примбетов (1973 й.т.)ларнинг бири уйланишга ҳам ултурмай узоқ муддатга қамалиб кетди. Яқинда бўлиб ўтган суд мажлисида тўргтишидан иборат гиёхванд мод-

ларининг аҳволи нима кечдийкин? Аёл боши билан иккита йигитни ҳам наркобизнесга торган бу ёшина жувонлар қора курсида ўтириб, уйда ёлгиз қолган, баъзиси касалванд болаларини эслаб қоладилар, шулар туфайли енгиллик беришни сўрайди-

бот ходимларининг қўлига тушиб, панжара ортига ўтқазиб кўйилмагунча ўз билгандаридан қолмаётрлар. Менимча, ҳар бир маҳалла, қишлоқ, туман, шаҳардаги мактабни битирган йигит-қизларни қатъий ҳисобга олиб, юриш-туришини назорат қилмаса ҳам кузатиб, қизиқишилари га қараб иш, ўқиш билан таъминлаш, уларни ҳар қандай ишга бош сўқиб кетаверишига, натижада жиноятга қўл уриб, судланаверишига ўйл кўйимаслигимиз керак. Ахир ёшлар – келажагимизни жисмонан ва маънан соғлом ҳолда асраш эса биз, катталар олдидаги энг масъулияти бурчимиздир.

– Сизнингча, аёллар орасида яна қайси жиноятлар кўпроқ учрайди?

– Гиёхванд моддалар савдосидан кейин аёллар орасида кўп тарқалган жиноят турларидан яна бири – фирибгарлик, ҳатто ўғрилик ҳам учрайди. Чунки ҳозир бозорларда савдо-сотиқ билан шуғулланувчи ларни кўпчилигини аёллар ташкил қилади. Табиий, уларнинг орасида эпчил-уддабурролари ҳам, ишонувчан-соддалари ҳам бор. Пул топиш мақсадида фирибгарликка қўл урган аёлларнинг баъзилари бир марта жиной жавобгарликка тортлиб ҳам тавба қилмайди, яна шу йўлдан кетаверади. Буни яқиндагина судланган ўзини “Шайхова Гулнора – “Постда” газетасининг мухбири” деб одам-

ларни алдаб, пулни олиб юрган М. Салимова мисолида ҳам кўрсак бўлади.

– Аёл, она сифатида аёлларга нима гапларингиз бор?

– Аёл, она сифатида аёлларга гапим шуки, суднинг қора курсисига келиб қолувчи аёлларнинг аксарияти иқтисодий қийинчилик туфайли жиноятга қўл уриб кўйганини айтиб, тавалло қилади. Лекин дугонажонлар, опа-сингиллар, унутманг, иқтисодий қийинчилик ўткинчи арса. Эрта-индин бу қийинчиликлар ортда қолади, унутиди. Аммо вақтнча синовга бардош беролмаган айрим аёлларнинг билиб-қўриб қилган жиноятларни дагиди, унинг учун олган қонуний жазолари ундан кейинги авлодларга ҳам шармандали “мерос”, қора тамфа бўлиб қолаверади. Битта кўйлакни камроқ қийинг, битта нонни камроқ енг – сабр-қаноатли бўлинг ва фарзандларингизни ҳам шунга ўргатинг. Ҳозир “қийналдим” деб жиноятга қўл уриб, вақти келиб, ҳамма қийинчиликлар ортда қолганда таржима ҳолингиздан, умр дафтaringиздан – нома аъмолингиздан, одамлар хотирасидан қингир ишинизни ўчириб ташлай олмайсиз.

Оиланинг фариштаси, маликаси – сиз аёлларсиз. Фарзандлар учун ота-онадан юксак намуна мактаби йўқ. Сиз шундай яшангки, ҳамма вақт фарзандингиз олдида бошингиз тик бўлиб, унинг кўзларига дадил қарай олинг. Ана ўшанда сиз ҳақиқий ўзбек аёли, она бўла оласиз.

– Мазмунли сұхбатингиз учун раҳмат.

рилаётган эътибор деб билгандар. Куёв амалу мартабаси, бойлиги тифайли эмас, күёвлиги учун шундай эъзозга муносаб топилган. Бугун ҳаётда кимдир куёвнинг амалига кул бўлса, бирор күёвига шапалок тортган. Куёвни шунчалик оёқости қилиб, қизининг баҳтини кўрмоқчи бўлган қайнонани ким деб аташ мумкин?

Ха, баъзан олий инсоний түйулар оёқости бўлаётнига ич-ичингдан эзилсан киши. Инсон Оллоҳ улуғлаган энг олий зот. Ҳатто фариштадар ҳам Одам Атога таъзим бажо кеттирган эканлар. Фаросат – ярим каромат дейдилар. Турмушда бир-бираимизга бўлган муносабатимизда ҳам фаросатимиз намоён бўлишини унта масак бўлди.

Биз қариндошлар ўртасида дилхизларининг маънавий жиҳатларини қаламга олдик, холос. Агар ўшанда Абу-муслиммизро ўйда бўлганида, жиноят содир бўлиши ҳам хеч гап эмас эди. Бас, шундай экан, кўпни кўрган кексаларимиз ўз фарзандлари тақдирига енгил қарамасликлари, ҳамиша адодат билан ўйл тутмоклари лозим. Шундагина катта-кичик оиласи кўнгилсизликлар камайди.

**Муҳаммаджон АҲМЕДОВ,**  
журналист.

# ОИЛА МАЛИКАЛАРИ, УНУТМАНГ...

1999 йил – Аёллар йили



## САНЬАТ СЕХРИ

Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармасининг мажлислар залида ўтказилган навбатдаги маърифат дарси ана шу мавзуга багишиланди. Дарсга ташриф буюрган М. Турғунбоева номидаги ўзбек Давлат “Баҳор” ашула ва ракеста-дастасининг яқаҳон хонандаси Эркин Рўзиматов дилларга ором берувчи дилрабо кўй ва қўшиклини ҳамда “Ўзбекнаво” гастрол-концерт бирлашмаси бадиий сўз устаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳожимурод (Ҳожибой) Тожибоеv ўзининг ичакуди ҳангомаларини ички ишлар ходимларига байрам табриги сифатида тұхфә эттилар. Ўз навбатида Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси раҳбарияти ҳам таниқли сўз устаси Ҳожимурод Тожибоеv юксак унвон билан табриклаб, санъаткорларимизга миллий анъаналаримизга мувофиқ чопон ва дўппи кийдирилар.

**М. СУЛТОНОВА.**

Кишлоқка бордим дегунчча, синфдош дўстим Абу-муслиммизро ўйимизга етиб келарди. Барча янгилларни ундан эштирдиди. Бу гал қишлоқка келганимга бир ҳафта ҳам тўлдики, ундан дарак бўлмади. Онам кўнглимдагини сезгандай:

– Ўғлим, ўртоғинг анчадан бери бир ҳолда юриди, ўзинг уйига ўтиб, кўнгил сўрасанг яхши бўларди, – деб қолдилар.

Кечга томон турли ўй-хаёлларга чўмид Абу-муслиммизро-нинг ўйига бордим. Унинг ўзи қарши олди. Илик саломлашдик. Ичкарига кирдик. Юзига қарасам, қисқа вақт ичиде ажин оралаган, ғам-ташвиш кўлланка соглан, кўзлари ўсик боқарди. Илгариги ҳазил-мутойибалар йўқ, кўпни кўрган мўйсафидарларек босик бўлиб қолган эди. Унга тикилиб:

– Тинчликми? – дейдилм, холос.

У гиламга илиб қўйилган аёли билан тушган суратига дард-алам аралаш тикилиб:

– Дўстим, дардимни факат сенга айтапман. Балки, сўзлаб нотўри қилаётгандирман. Уч ойлар бўлди, чамаси. Ўйимизга хотиним билан қайним Рашид келди. Мени уриб, ичагимни осилтириш ниятида экан, – деди.

– Нималар деяпсан?! Ораларингда шунчалик ёмон гап ўтганми? – сўрадим ишонкирамай.

ри насига айтишим керак деган фикрга келдим. Мақсадим – уни уялтириш эмас, яхши сўз илинжиди эдим. Афсуски, кайноман сўзларимни бошқача кабул килди. Ўғли билан қизига ўзини гўё ноҳақ ҳакоратланган, хўрланган қилиб кўрсатибди, кўз ёши қилибди. Таъзимни бериб кўшиш учун ўғлини бизнисига жўнатиби. Қайним Рашид мени беармон дўйпосламоқчи экан. Улар келгандага ўйда йўқ эдим. Бугалларни ўғлини ўтиб берди. Унинг ўша пайтдаги ҳолатини тасвирлашга сўз тополмайман. Қайноманни онамдай билиб, ундан умидвор бўлиб дардимни айтибман. Яхшиям, ўч олувчиликлар келганида вазмин чайкалишар, анҳор сувида сузиб юрган сарғиш япроқлар умр ўткничилигини эсга соларди.

шид ёмон йигит эмас. Ичиди кири йўқ. Хотиним ҳам самим, ўйим-жойим дейдиган аёл. Қариндошларининг ҳам оғир кунларидан елкадош. Энди билсам, сувни булғаган бошқача инсон экан. Чархни бузар парраги, кизни бузар насида деб бејиз айтишмас экан. Хотинимни билмадиму, уйига боргандим, қайним мени тўғри тушунгандай бўлди, – дўстим гапини тутабиғат оғир уф тортиди.

Вақт алламаҳал бўлгандага Абу-муслиммизоларнидан чиқдим. Ҳудди ёмон туш кўриб, босинқираб чиқкан одамдай бозимнинг гувиллаши тұхтамасди. Кўнглим фаш эди. Йўлда бироз тұхтаб қолдим. Азим мирзатеклар шамолда вазмин чайкалишар, анҳор сувида сузиб юрган сарғиш япроқлар умр ўткничилигини эсга соларди.

## КУЁВНИ

### ПАЙГАМБАРЛАР СИЙЛАГАН

тоза. Турмушдаги воқеаларга бефарқ эмас. Унинг ботиний дунёси ҳам нурафшон. У ўз оиласига бутун меҳрини берган ота. Агар хотини ундан ўтиб бирор мансабга эришган бўлса, аввало, Яраттан гемагинн мархамати, қолаверса, шу эри туфайлидир. Такдир – Оллоҳдан, тадбир – бандадан, дейдиларку. Аммо Абу-муслиммизронинг хизматини на хотини, на унинг тутабиғат оғир уф тортиди.

Куёвни пайгамбарлар сийлаган экан. Уларнинг куёвлари ҳам бошида шохи бўлмаган. “Куёв келди – хон келди”, “Куда бўлсанг, кул бўлса ҳам сийа” дейдий халқимиз. Ота-боболаримиз куёвагина эмас, унинг хонадонига ҳам хурмат-эхтиром бажо кеттиришган. Аждодларимиз куёвга кўрсатилётган иззат-икромни ўз қизларига бе-

# БУ ЙҮЛДА ЛАЙНАТ ВА ЮЗИКОРАЛИК БОР

Озгина жон койитиб меңнат қылган одамнинг оч-ночор қолганини эшитмаганымиз. Боз устига, бундай одам эл иззатида бўлади. Хеч ким унга гумон билан қарамайди.

Одамлар орасида ишончни йўкотишдан оғирроқ нарса йўқ. Дейдиларки, эл назаридан қолган киши эшак бозорига даллол ҳам бўла олмайди.

Улуғбек Бобоҷонов деган бир кимсаннинг номи эл оғзига тушиб қолди. Унинг юриш-туриши, хатти-ҳаракати атрофдагиларда шубҳа уйгота бошлади. Аммо Улуғбек ўзини бинои кўрсатишга уринар, қилмиш-қидирмишларини ўзи яшаётган жойдан йирокроқда бажаришга ҳаракат қиласди. Кинғир ишнинг қийғи чикмай қолмайди. Одамларнинг шубҳалари асосиз эмасди. ...

Бобоҷонов Улуғбек Ганжаевич 1973 йилда туғилган. Кўшкўпир тумани М. Раҳимов номли жамоа хўжалигига яшайди. Аммо у қора қилмишларини, юкорида айтганимиздек, олисроқ жойларда амалга ошира бошлади. Ўтган йилнинг охири, аниқроғи 13 декабрдан 14 декабрга ўтар кечаси таҳминан тунги соат 2ларда Урганч шахридаги Анна Герман кўчаси 9-йи 2-хонадонининг темир панжарасини бузиб, шу уйда яшовчи Ҳасанов Сардорга тегиши баҳоси 15 минг сўм турадиган "Рас-свет" маркази телевизорни, ҳар бирининг баҳоси 10 минг сўм турадиган Хива гиламини, шунингдек, "ДЭУ" телефон аппарати, "Панасоник" аудиомагнитофонини, 19 минг сўм турадиган пардалик материалларни, жами 78 минг 400 сўмлик нарсаларни ўмарид кетган. Орадан бир ой ўтиб-ўтмай Урганч шахар ёниндан сақлаш бўлинмасининг иситиш хонасига келиб, фуқаро Якубов Ганжага тегиши бўлган жами 88 минг сўмлик турли бўёқ материаллари ва ашёларни ўғирлаган.

Ўрганган кўнгил ўртанса кўймас, деганла-

ридек, Бобоҷонов Улуғбек 1999 йил февралида Урганч шаҳар Мустақиллик кўчаси 25-ўйга келиб шу уйда яшовчи Маткаримов Ўлдошга тегиши бўлган 18 минг сўм пул, 20 минг сўм турадиган магнитофон, турли хил газлама материаллари, эркаклар кўйлаклари, рўмоллар, жами 83 минг 630 сўмлик нарсаларни олиб кетган. Энди у факат ўғрилик билан чекланиб қолмай, яна бир тубан ишга кўл урди.

Урганч шахридаги ижарага олган уйда бандихона ташкил этишига кириши. Р. исмли шахсга опий гиёҳванд моддасини укол қилиши учун шароит яратиб берди. Шу нарса аниқки, Бобоҷонов Улуғбек иши "юришиб" кетганидан босар-тусарини билмай қолди. Лекин у бир нарсани – бу қингир йўллар қаерга етаклашини англамас эди.

Кишининг бир нарса ҳайратга солади. Хўш, бу одам нимага эриши? Ҳамиша ҳадиқда, ғумонда-яшаса. Ҳар бир дақиқада қачон кўлга тушар эканман деган ғулғула юрагини кемириб турса. Шунча одамнинг тинчини бузиб, мол-дунёсидан жудо қилиб, қайғуга солса, уларнинг қарғишига қолса, элнинг лънатига дучор бўлса. Бундан ҳам оғир кўргулик, бундан ҳам мудҳиш азоб-уқубат борми? Энди у ким бўлди? Туғилғанида ота-онаси яхши умидлар билан Улуғбек деб исм кўшишган экан. Аммо, у инсон деган номга иснод келтирувчи кўрнамак бўлиб етиши. Элнинг назаридан қолди. Юрагида айни шундай қингир ишларга майли, ишламай, бел оғритмай яшаш, нияти бор одамларга бир ҳақиқатни такор бўлса ҳам яна бир бор айтмоқимиз. Қайтинг бу йўлдан, унда на ҳузур-халоват, на обрў-этибор, на соглиқ, фароғат бор. Бу йўлда факат бир кўргулик – ҳадик, гумон, лънат ва қарғишилар, бадномлик ва ҳалқ нафрата бор.

Кишининг қалби қора бўлса, юар ўйли жиноят деганлари рост экан. Бибиражаб Оташева кўринишдан ҳеч кимдан фарқ қилмайди. Эндиғина 24 ёшга киряпти. Агар ҳалол меңнат билан

кент шаҳрига юр, олди-сотдини ўргатаман. Биринг минг бўлади, дунё кўрасан, билмаган нарсаларингни биласан", – деди. Онабибига гапи таъсир этганини сезган Бибиражаб мақсадга

бераман, ҳар қалай қариндошсан, ётларга қилганимдан сенга қилганим яхши, мени орқамдан бойисанг сен бойи, сенда бўлса менга фойдаси бор, деди. Ҳуллас, Зулфия ҳам тузоққа илинди.

# ЁМОННИНГ БИР ҚИЛИФИ...

яшайман деса, куч-кувати етарли. Аммо барча иллат унинг ичиди. Бел оғритмайроҳат-фароғатда яшаш ғулгуласи уни нопок йўлларга бошлади. Фирибгарликни касб этиб олди. У шу йил 2 июль куни Урганч шахридаги Ж. Мангуберди кўчаси 10-йи 2-хонада яшовчи таниши Онабибига Искандарованинг ёнига келиб, турли-туман ёлғон ваъдалар билан аврай бошлади. "Қани, уйда ўтираверган билан нима фойда, яхшиси мен билан Тош-

## ҲАМЮРТИМИЗ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАБ

Байрам арафасида Гурлан туманида ҳамюртимиз милиция генерал-майори Йўлдош Бобоҷонов хотираасига бағишлиланган ёшлар ўртасида бокс бўйича III анъана-вий турнир ўтказилди.

Турнирни Гурлан тумани ҳокими Раҳимбой Матрасулов кириш сўзи билан очди. Вилоят ИИБ "Динамо" жамияти раиси ўринбосари, милиция майори Икром Отаев нутқ сўзлаб, мазкур турнирнинг ўтказилиши аввало юртдошимиз руҳи покларига бўлган ҳурмат ифодаси эканлигини, қолаверса, бокснинг оммалашинида мухим аҳамиятта эгалитини алоҳида таъкидлadi.

Турнирда 130 нафардан зиёд ёш боксчилар иштироқ этишиди. Умумжамоа ҳисобида Урганч шаҳри чарм кўлқон усталари фаҳрли 1-ўринни эгаллади. Голибларга вилоят ички ишлар бошқармаси, Гурлан тумани ҳокимлиги, Гурлан тумани ички ишлар бўлими томонидан ажратилган қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Материалларни Хоразм вилояти ИИБ матбуот гурхини ходими М. НАВРУЗАЛИЕВ тайёрлади.**

ўтди. Танишининг 150 минг сўм пулини ҳамёнига уриб, гойиб бўлди. Аммо узоққа кетмади. Шу йил 7 июль куни Урганч шахридаги Ҳонқага қараб равона бўлди. Охунбобоев номли жамоа хўжалигига яшовчи қариндоши Зулфия Камолованинг ўйига келди. Уни авраш унчалик қийин бўлмади. Ҳар қалай қариндош, бунинг устига ваъдалар ҳам куюқ бўлди. Тошкентдан арzon баҳога турли-туман бозори чаққон товарлар, тилла тақинчоқлар олиб келиб

йиғиб-териб нақд 300 минг сўм пулини Бибиражабнинг кўлига тутқазди. У алданганини кейинроқ билди. Ана шундан кейин машмашалар бошланди. Албатта, ҳар қандай жиноий ҳаракат эътибордан четда қолмайди. Ҳар ким қора қилмишига яраша жазосини олади. Бизни бир нарса ташвишлантиради. Радио-телевидениеда, матбуотда фирибгарлар тўғрисида огоҳлантирилди. Онабибига билан Зулфиялар, ахир у таниш, қариндошимиз,

## ҚИДИРИЛМОҚДА

Бухоро вилояти ИИБ томонидан ўта шафқатсизлик билан қотиллик содир қилиб, терговдан қочиб юрган жиноятчи, Бухоро тумани Ф. Аллоев жамоа хўжалиги Кули-Юрун қишлоғида яшаган, 1977 йилда туғилган Расул Равшонович Кўзиев қидиримоқда. У турмуш ўртоги, 1978 йилда туғилган Дилрабо Раҳмоновани ҳам ўзи билан олиб кетган.

**Р. Кўзиевнинг белгилари:** бўйи 165-170 см., кўзи қора, қошлари тўғри қора, сочи қора калта олинган.

**Д. Раҳмоновнинг белгилари:** бўйи 160-165 см., ориқдан келган, сочи қора

узун, қошлари ёйсимон, бурни тўғри, лаблари қалин.

**Номлари зикр этилган шахсларни кўрган-билганлар яқин ўртадаги милиция бўлинмасига хабар беришларини сўраймиз.**

Қаҳрамонлари-миздан бири 20, иккинчиси 21, учинчиси 22 ёшда, йигитликнинг

айни гуллаган пайти. Афус-ки, булар умрнинг энг гўзал ва забардаст фаслини нафс йўлида хазон қилган кимсалардир. Учловон тил топишиб, мўмай пулга эга бўлиш йўлларини излай бошладилар. Охири бир фикрда тўхтадилар. Урганч деҳқон бозорига жойлашган "Муҳаммад Мустафо" хусусий дўконини "босиш"ни келишиб олди-лар.

Шу ўринда Худойберганинг қаҳрамон Отабаевичнинг тергов пайтида берган кўрсатмасини келтириш ўринли бўлар: "13 марта куни кечқурун Урганч шаҳар деҳқон бозоридаги "Муҳаммад Мустафо" дўкони олдидан ўтиб бораётганимизда мен мана шу магазинга ўғриликка тушамиз, дедим. Руслан билан Азamat рози бўлиши. 14 марта куни "Муҳаммад Мустафо" магазини олдига келиб қарасак, чироқ ўчган экан. Шу пайт соат 3.00лар эди. Азamatнинг кўлида арматура бор эди. Мен арматурани олиб, кулфни синдиридим ва Азamat билан магазин ичига кирдик. Руслан эса бозор ёнидаги 9 қаватли уй олдидаги пойтабори турған эди. Кейин биз Азamat билан магазин ичидаги бўлган ҳар хил озиқ-овқат маҳсулотларини 3 та қопга солдик ва ташқарига чиқдик. 9 қаватли уй олдига келдик. Қопларни кўта-

# ЎГРИЛАР УШЛАНИДИ, АММО...

риб Кирғиз йўли тарафга қараб юрдик. Йўлда такси келаётган экан, тўхтатиб қопларни юхонага солаётганимизда милиция ходимлари келиб бизни ушладилар. Мен қилган жиноятимга пушаймонман. Мени кечиришинизни сўрайман... Ўғрилик қилгани рост.

Ана холос. Нега улар аввал, бирорнинг 164 минг 642 сўмлик мулкини ўмараб кетишаётганида қилмишларининг оқибатини ўлашмади! Ҳалиям мулкнинг эгаси Холимуратов Баҳодирнинг баҳти бор экан. Милиция ходимлари ҳушёrlик қилиб, ўғриларни кўлга олиши. Акс ҳолда Баҳодирнинг ҳоли нима кечарди? Шунча камоднинг ўрнини қандай қилиб қопларди? Йўқ, ўғрилар буни ўлашмади, бу кўлга тушгандан кейинги муғомбирлик эмасми? Энди бу ёнига эшитинг. Аввал ҳам ўғрилик жиноятни билан кўлга тушб жазосини олган Азamat Эркаев терговда:

"Мен қилган жиноятимга пушаймонман, мени кечиришинизни сўрайман", – деб илтижо қиласди. Ахир, сутдан оғзи куйган одам қатиқни ҳам пулфаб ичади, деган гап бор. Нега у қилмишининг оқибатини била туриб, ҳамроҳларни огоҳлантирмади,

ёмон йўлдан қайтармади? Кишининг нафси ҳакалак отиб турганда ақл-ҳушдан бегона бўлиб, виждан ухайди.

Тергов пайтида Руслан Шомуратов сувдан қуруқ чиқмоқчи бўлиб, ўзга йўл тутиди, айбимга икрон эмасман деб оёқ тираб олди. Мен улар билан ўғриликка бормадим қабилида турли баҳоналарни рўячади. Лекин гувоҳлар – такси ҳайдовчиши ва милиция ходимларининг кўрсатмаларида ўғрилар уч киши экани аниқ кўрса-тилди.

Шубҳасиз, бу кимсалар тегишили жазосини оладилар. Лекин уларнинг ота-оналиари, яшаётган маҳаллаларининг оқсоқоллари, ишлаётган корхоналарининг раҳбарлари қаёққа қарайпти? Нега ҳар бир содир қилинган салбий воқеа кенг жамоатчилик ўртасида муҳокама қилинмайди?

Ахир, ўғрилар, товламачилар, фирибгарлар осмондан тушаётгани йўқ. Ёшина йигитларнинг жиноят ботқоғига ботиб кетишида отона ҳам, маҳалла ва корхона раҳбарлари ҳам ўз айини се-зиши, керак бўлса жавоб берниши оғозларни огоҳлантирмади,

## БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАНЛАР

**С. Раҳимов тумани ИИБ ЖҚБ томонидан тўққиз ёшли Дилдора Қосимова ҳамда олти ўшга тўлган Ботиржон Қосимовлар қидиримоқда. Улар шу йил 25 август куни С. Раҳимов тумани, Чукурсой кўчаси, 19-йида яшовчи бувисиникдан бирга чиқиб кетиб, қайтиб келишмаган.**



**Дилдоранинг белгилари:** бўйи 140 см., гавдаси ўртача, сочи қора елкасига тушб туради, юзи думалоқ, кўзи қора, бурни тўғри, лаблари ўртача қалинлиқда, қулоқлари ўртача катталиқда.



**Кайимлари:** эгнига гулли қизил кўйлак, оёғига оқ-кўк рангли шиппак кийган.

**Ботиржоннинг белгилари:** бўйи 120 см., ўртача гавдали, юзи чўзинчоқ, сочи қора калта, кўзи қора, бурни тўғри, кулоқлари катта.

**Алоҳида белгилари:** юзининг чап томонида катта холи, ўнг томони ковуғида жарроҳликдан қолган чандиқ бор.

**Кийимлари:** эгнида сайха дарахтининг сурати туширилган оқ футболка, қора-қизил рангли йўл-йўл шортик, оёғига жигарранг чип бўлган.

**Дилдора ва Ботиржоннинг кўрган-билганлар "02" ёки 46-66-67, 48-40-59, 46-09-90 телефонлар орқали маълум қилишларини сўраймиз.**

## DUSHANBA

6-09

## ЎзТВ I

- 6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.40 «Тахлилнома».  
8.40 «Шукрана айтуб...». Мусиқий дастур.  
9.05 «Ўзлик». Бадий-публицистик кўрсатув.  
9.35 «Бу ҳам кино». Телесериал.  
16-серия.  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.  
10.05 «Инжик малика». Мультфильм.  
10.15 «Кундузлар даврасида».  
10.40 Кундузги сеанс: «Шайтон малайлари». Бадий фильм.  
12.05 «Иктисол ва биз».  
12.30 «Шоҳрух» клуби.  
13.00 X. Султонов. «Чангак». Видеофильм.  
14.10 «Ватандан яхши ёр умас».  
Бадий-музыкй дастур.  
14.45 «Баркамол авлод орзуси».  
15.10 Кино ангилклари.  
15.25 ўзларедирадикомпанияси маком ансамблининг концерти.  
16.00 «Қишлоқ хаёти».  
16.25 «Ўзбекистон спортининг нуфузи».  
16.40 «Кимматга тушган хузур-халоват». Бадий фильм.  
18.10 Болалар учун. «Гулгунчалар».  
18.30 «ТВ - патруль».  
18.40 «Истеъод». Мусиқий дастур.  
19.05 «Тағсилот».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Биржа ва банк хабарлари.  
20.10 Оқшом эртаклари.  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Назм ва наво». Фурқат лирикаси.  
21.50 «Олтин тўл-теннис клуби». «Президент кубоги» солномаси.  
22.00 Н. Норқобилов. «Кўёши ботмайдиган юрт». Видеофильм премьераси. 1-кисм.  
22.55 «Кусто командасининг сувости саргузашлари». Телесериал. 78-кисм.  
23.45 «Ахборот».  
00.15 «Дараҳатлар катта эди». Бадий фильм.  
01.45-01.50 Ватан тимсоллари.

## ЎзТВ II

- 18.00 Кўрсатувлар дастури.  
18.05 «Янги авлод» студияси на-

- мойиш этади («Ким эпчил-у, ким чакон», мульттомоса).  
18.40 «Буюк юрт фарзандиман».  
18.50 «Мусиқий лаҳзалар».  
18.55 «Ёшлар» телеканалида.  
19.00 «Давр». Ахборот дастури.  
19.30 «Биринчи мўъжиза».  
19.50, 20.40, 23.30 Эълонлар.  
19.55 «Полиция комиссари». Телесериал.  
20.45 «Эзиз кўшиклар».  
21.05 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.  
21.20 «Истиқол менинг тақдиримда».  
21.25 «Мусиқий лаҳзалар».  
21.30 «Дунёга йўл».  
21.50 «Сурур». Мусиқий дастур.  
22.00 «Давр». Ахборот дастури.  
22.30 «Ёшлар» телеканалида.  
22.35 «Хаёл».  
22.55 «Олам» футболи.  
23.15 «Шарқ тароналари».  
23.35 Сенема. «Инспектор Морз».  
01.20 «Хайрли тун!»

## ЎзТВ III

- 17.55 Кўрсатувлар дастури.  
18.00, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуни.  
18.10 «Сен ҳажингда ва сен учун».  
18.25 «Шов-шув». Телесериал.  
19.15 «Табриклими, кутлаймиз».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 «Бурч ва масъулият».  
20.15 Телефакт.  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Халқ саломатлиги йўлида».  
21.45 «Спорт-тайм».  
22.10 «Биз Сизга бахт тилаймиз».  
22.45 «Морена Клара». Телесериал.  
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.  
23.55 Саргузашт фильмлар экранни.  
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

## ЎзТВ IV

- Россия жамоат телевидениеси  
6.30-8.00  
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.  
\*  
15.05 Кўрсатувлар тартиби.  
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)  
15.40 «Дурдаршан».  
16.00 «Дўйсталар ва кўшиклар». Концерт. 1-кисм.  
16.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

- 16.45 «Мультчархпалак».  
17.00 «Комиссар Рекс». Телесериал премьераси. (Германия)  
\*  
18.00 Клип-антракт.  
Россия жамоат телевидениеси  
18.05 Душанба куни Познер билан. «Биз» дастури.  
18.45 «Севги йўлида». Телесериал.  
19.45 «Хайрли тун, кичкин-тойлар».  
20.00 «Время».  
\*  
20.35 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.  
21.20 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуни.  
21.25 «Дил изхори».  
21.30 «Спорт-клуб».  
21.45 «Давлат стандарти хабарлари».  
22.00 «Вести».  
22.20 «Сополда акс этган дунё».  
Телевильм.  
22.35 Киносеанс. «Гуллар очилганда». Бадий фильм.  
24.00 «Ахборот» (рус тилида)  
00.25 «Түннинг осуда бўлсин!»

## 30-КАНАЛ

- Соат 15.00га қадар профилактика.  
15.15, 18.00, 19.50, 00.30 — «ТВ-хамкор», «Метеохабар».  
15.30 «Эсадлик учун дастхат». Мусиқий дастур.  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 «Бурч ва масъулият».  
20.15 Телефакт.  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Халқ саломатлиги йўлида».  
21.45 «Спорт-тайм».  
22.10 «Биз Сизга бахт тилаймиз».  
22.45 «Морена Клара». Телесериал.  
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.  
23.55 Саргузашт фильмлар экранни.  
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

## РЖТ

- 5.00 «Хайрли тонг!»  
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 00.15 — Янгиликлар.  
8.15 «Мўъжизалар майдони».  
9.15 «Янгра, гармон!».  
9.45 Бу қандай бўлган эди? «Сталлининг дағн этилиши».

## 1953



- иил.  
10.25, 12.45 — «Аралаш-куралаш журналидаги кунвок воқеалар».  
10.35 «Фантом-2040». Мультсериял.  
11.15 Жекки Чан «Мистер Крутой» жангари комедиясида.  
12.55 «Хамма уйдалигида».  
13.30 «Биргалиқда» дастури.  
14.15 Мультсериал.  
14.35 «Юлдузли онлар».  
15.10 «... 16 ёшгача ва ундан каталар».  
15.40 «ТАСС вакил килинган». Сериал.  
17.15 Евгений Петросяннинг «Кулги панорамаси».  
17.45 «Шу ерда ва ҳозир».  
18.05 Душанба куни Познер билан. «Биз» дастури.  
18.45 «Севги йўлида». Сериал.  
19.45 «Хайрли тун, кичкин-тойлар!»  
20.00 «Время».  
21.40 Шон Коннери «Бегона худуд» фантастик жангари фильмида.  
22.35 «Нигоҳ».  
23.20 Гарик Сукачев «Ойимкиз ва ахдаҳо» мусиқий дастурда.

## РДТ

- 5.30 — 8.20 «Хайрли тонг, Россия».  
7.15, 23.00 — «Навбатчи кисм».  
8.20, 10.50 — «Гомеопатия ва саломатлик».

- 16.00 «Карапуз-ТВ».  
16.25 «Факат хотин-кизлар учун».  
Тележурнал.  
16.50 «Айбордлик». Телесериал (Мексика).

- 17.35 «VIP» студиясининг меҳмони».

- 17.50 «Хит-коктейль».

- 18.25 «Ошикона». Мусиқий дастур.

- 19.40 «Олтин кафас». Телесериал (Мексика).

- 19.25 Спорт шарҳи.

- 20.20 «Клип-совға».

- 21.30 «30-канал»да кинооқшом.

- 23.15 «Комиссар Лиа Зоммер». Телесериал (Германия).

- 24.00 Мусиқий-дам олиш дастuri.

## РЖТ

- 5.00 «Хайрли тонг!»  
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 00.15 — Янгиликлар.  
8.15 «Мўъжизалар майдони».  
9.15 «Янгра, гармон!».  
9.45 Бу қандай бўлган эди? «Сталлининг дағн этилиши».

## 1953



- 7.55, 14.05 — «Кундан-кунга».  
9.40, 19.10, 00.15 — «Йўл назорати».  
10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00 — «ТСН-6».  
10.10, 00.55 — «Кимки...».  
10.25 «Юлдузлар юлдузлар ҳақида».

## ТВ-6

- 10.50, 13.50, 15.50, 16.15 — «Харидингиз учун ташаккур!» теледӯкони.

- 11.00 «Обозреватель» таҳлилий курсатуви.

- 12.05 «Хафта мажоролари».

- 12.35 «Обоз».

- 13.20 «Спартак» — чемпион!

- 14.45 «Шу ерда ва ҳозир».

- 18.05 Душанба куни Познер билан. «Биз» дастури.

- 18.45 «Севги йўлида». Сериал.

- 19.45 «Хайрли тун, кичкин-тойлар!»

- 20.00 «Время».

- 21.40 Шон Коннери «Бегона худуд» фантастик фильмида.

- 22.35 «Нигоҳ».

- 23.20 Гарик Сукачев «Ойимкиз ва ахдаҳо» мусиқий дастурда.

## Граф Монте-Кристо» сериалида.

- 1-серия (Франция—Италия—Германия).

- 00.55 «Сегоднячко».

- 01.35 «Бугун ярим тунда».

- 01.55—02.30 «Футбол клуби».

- 7.00, 9.15 Тонги телеканал.  
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.00 «Воқеалар» ахборот дастури.  
10.00, 19.15 Ишбилармон Москвага.

## ACT

- 7.00, 13.00 Мультфильмлар дастури.

- 7.30, 10.30, 13.30, 16.30, 19.30, 22.30, 1.30, 4.30 «Факт» ахборот дастури.

- 7.45, 23.15, 4.40 «Сарсон-сағардонлиқда». 1-кисм.

- 12.30 «Мұхабbat қонун» хужжатли сериали.

- 13.00, 18.15 «Сана» телеканали.

- 14.00 «Хамма дарёлар оқади» телесериалы.

- 15.15 «Бефаҳм ва янада бефаҳм» мультхикоя. 1-кисм.

- 15.40 «Киролича Марго». 1-кисм.

- 17.00 «Худудлар: очик сўз».

- 17.30 «Спорт-экспресс».

- 19.30 «Йўқолиб бораётган дунё» хужжатли сериали.

- 20.10 «Кичик шаҳардаги дўзах» телесериалы.

- 21.55 «Жюли Леско» детектив фильмни.

- 23.45 Бир сатрли воқеалар.

- 23.50 Постскриптум.

- 0.00, 1.30 Времечко.

- 2.00 «Ха ёшлар канали».

## ТВ МАРКАЗ

- 7.00, 9.15 Тонги телеканал.  
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.00 «Воқеалар» ахборот дастури.

- 10.00, 19.15 Ишбилармон Москвага.

- 10.15 Россия халклари. Боқиқрлар.

- 10.45 Парад плюс: кўшини танла.

- 11.00, 18.15 «Сана» телеканали.

- 14.00 «Хамма дарёлар оқади» телесериалы.

- 15.15 «Бефаҳм ва янада бефаҳм» мультхикоя. 1-кисм.



## JUMA

10-09

## ЎзТВ I

- 6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.30 «Ахборот».  
8.30 Республика газеталарининг шархи.  
8.45 «Мен туғилган түрк». 9.15 «Мусиқа билан сирлашиб», 9.35 «Буҳам кино». Телесериал.  
18-серия.  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.  
10.05 «Оналар мактаби».  
10.25 Немис тили.  
10.55 Кундузги сеанс: «Шахризоданинг янги эргати». Бадий фильм. 2-серия.  
12.05 «Садоқат».  
12.30 «Кўйлардан — кўшикларга».  
13.00 Н. Норқобилов. «Кўёши ботмайдиган юрт». Видеофильм.  
4-кисм.  
14.10 «Бокира туйгулар».  
14.30 «Бўстон». Тележурнал.  
15.00 «Ўзбекteleфильм» на-  
мойиш этади: «Кўксув дарёси бўйлаб».  
15.10 «Шарқ тароналари».  
15.30 «Сомон йўли».  
16.00 «Ишқнома». Адабий кўрса-  
туб.  
16.30 «Бошқача хаёт», Бадий фильм.  
18.10 Bolalar учун. «Доно бобо даврасида».  
18.30 «Ислоҳот ва масъулият».  
18.50 «Чемпион билан учрашув». Спорт дастури.  
19.10 Иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар олдида: «Марказий сайлов комиссиясида».  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 «Рақибингиз — гроссмейс-  
тер».  
20.10 Оқшом эртаклари.  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Шарқ тароналари». II Хал-  
каро мусика фестивали · олийи  
Н. Сатторова кўйлади.  
21.45 «Олтин т’» — тенис клуби», «Президент куби» и солномаси.  
22.00 Н. Норқобилов. «Кўёши ботмайдиган юрт». Видеофильм премьера. 5-кисм.  
23.05 «Ахборот».  
23.35 «Ахборот ва Зухра». Бадий фильм.  
01.10-01.15 Ватан тимсоллари.

## ЎзТВ II

- 18.05 «Янги авлод» студияси на-  
мойиш этади. (Эркотай, мъътто-  
муш)

- 18.40 «Хукуқ ва бурч».  
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».  
19.00 «Давр». Ахборот дастури.  
19.30 «Далил ва шарх».  
19.45, 20.35, 23.40 Зълонлар.  
20.55 «Дўстлар ва кўшиклар». Концерт. 5-кисм.  
17.00 «Мультачралпак».  
17.15 «Джентльмен-шоу».  
17.45 Татьяна Васильева «Хотин-  
кизлар тарихи» дастурида.  
18.15 Хужжатли детектив.  
18.45 «Мўъжизалар майдони».  
19.45 «Хайрли тун, кичкин-  
тойлар!»  
20.00 Время.

## ЎзТВ III

- 8.45 Кўрсатувлар дастури.  
8.50 «Ерілтош». Мульттўплам.  
9.10 «Мусиқий гулдаста».  
9.30 Болажонлар экрани.  
11.10 «Ёшлар кўчаси». (такрор)  
11.35 «Спорт оламида».  
11.50 «Фаровонлик бекати».  
12.20 Кинонигоҳ.  
14.00-14.15 «Пойтахт» Ахборот кўрсатуни.  
18.00, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуни.  
18.10 «Ёрілтош». Мульттўплам.  
18.25 «Шахарлик фаришта». Телесериал.  
19.15 «Табриклийиз, кутлаймиз».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Зълонлар.  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 «Мусиқий меҳмонхона».  
20.15 «Умр бокий ва хамиша нав-  
қрон». Телевильм.  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Шарқ тароналари». II Хал-  
каро мусика фестивали. · олийи  
Н. Сатторова кўйлади.  
21.45 «Олтин т’» — тенис клуби», «Президент куби» и солномаси.  
22.00 Н. Норқобилов. «Кўёши ботмайдиган юрт». Видеофильм премьера. 5-кисм.  
23.05 «Ахборот».  
23.35 «Ахборот ва Зухра». Бадий фильм.  
01.30 «Хайрли тун, шахрим!»

## ЎзТВ IV

- Россия жамоат телевидениеси  
6.30-8.00 \*

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕ-  
НИЕСИ

- 15.05 Кўрсатувлар тартиби.  
15.10 СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)  
15.30 СНН-шоу.  
15.55 «Дўстлар ва кўшиклар». Концерт. 5-кисм.  
17.00 «Мультачралпак».  
17.15 «Джентльмен-шоу».  
17.45 Татьяна Васильева «Хотин-  
кизлар тарихи» дастурида.  
18.15 Хужжатли детектив.  
18.45 «Мўъжизалар майдони».  
19.45 «Хайрли тун, кичкин-  
тойлар!»  
20.00 Время.

## 30-КАНАЛ

- 9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-  
дам олиш дастури.

## 9.30 «Дарракчи». Дам олиш дастури.

## 11.10 «Ёшлар кўчаси». (такрор)

## 11.35 «Спорт оламида».

## 11.50 «Фаровонлик бекати».

## 12.20 Кинонигоҳ.

## 14.00-14.15 «Пойтахт» Ахборот

## кўрсатуни.

## 18.00, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуни.

## 18.10 «Ёрілтош». Мульттўплам.

## 18.25 «Шахарлик фаришта». Телесериал.

## 19.15 «Табриклийиз, кутлаймиз».

## 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Зълонлар.

## 19.30 «Ахборот» (рус тилида)

## 20.00 «Мусиқий меҳмонхона».

## 20.15 «Умр бокий ва хамиша нав-

## қрон». Телевильм.

## 20.30 «Ахборот».

## 21.05 «Шарқ тароналари». II Хал-

## каро мусика фестивали.

## 21.45 «Тарзан». Телесериал.

## 15.30 «Спорт китъаси». Тенис.

## 16.00 Синема.

## 17.40 «Хит-коллекция».

## 18.00 «Янги авлод» студияси на-

## мойиш этади. («Бўш ўтирма»,

## мульттомоша)

## 18.35 «Кинотакдим».

## 19.00 «Давр». Ахборот дастури.

## 19.30 «Ёшлар» телеканалида.

## 19.35 «Хайрат».

## 19.55, 20.35, 23.15 Эълонлар.

## 20.00 «Рамаяна». Телесериал.

## 20.40 «Бизнес-академия».

21.00 «Олдузлар олами». Ҳусни-  
дин Ҳоликов.

## 21.20 «Матбуот».

## 21.35 «Сир».

## 21.55 «Мусиқий лаҳзалар».

## 12.25 «Рамаяна». Телесериал.

## 13.00 «Мафтункор чехралар».

## 13.25 «Менинг орзум».

## 13.30 «Мусиқий глобус».

13.50 «Ўзбек мумтоз шерияти-  
дан».

## 13.55 «Примерадан сўнг».

## 14.15 «Мусиқий лаҳзалар».

## 14.25 «Шу куннинг мавзуси».

## 14.45 «Тарзан». Телесериал.

## 15.30 «Спорт китъаси». Тенис.

## 16.00 Синема.

## 17.40 «Хит-коллекция».

## 18.00 «Янги авлод» студияси на-

## мойиш этади. («Бўш ўтирма»,

## мульттомоша)

## 18.35 «Кинотакдим».

## 19.00 «Давр». Ахборот дастури.

## 19.30 «Ёшлар» телеканалида.

## 19.35 «Хайрат».

## 19.55, 20.35, 23.15 Эълонлар.

## 20.00 «Рамаяна». Телесериал.

## 20.40 «Бизнес-академия».

21.00 «Олдузлар олами». Ҳусни-  
дин Ҳоликов.

## 21.20 «Матбуот».

## 21.35 «Сир».

## 21.55 «Мусиқий лаҳзалар».

## 12.25 «Рамаяна». Телесериал.

## 13.00 «Мафтункор чехралар».

## 13.25 «Кўнгилгилга пайванд».

## 23.20 Синема «Ҳисобили никоҳ».

## Комедия.

## 00.50 «Хайрли тун!»

## ЎзТВ III

- 8.45 Кўрсатувлар дастури.

## 8.50 «Давр». Ахборот дастури.

## 22.35 «Давр» интервью.

## 12.25 «Ерілтош». Мульттўплам.

## 13.00 «Дарракчи». Дам олиш дастури.

## 13.30 «Хайрат».

## 13.50 «Ҳисобили никоҳ».

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕ-  
НИЕСИ

## \*

- 9.15 «Маски-шоу».  
9.45 «Инсон ва қонун».  
10.25 «Смак».  
10.40 «Фантом-2040». Мультсе-  
риал.  
15.30 СНН-шоу.  
15.55 «Дўстлар ва кўшиклар». Концерт. 5-кисм.  
17.00 «Мультачралпак».  
17.15 «Джентльмен-шоу».  
17.45 Татьяна Васильева «Хотин-  
кизлар тарихи» дастурида.  
18.15 Хужжатли детектив.  
18.45 «Мўъжизалар майдони».  
19.45 «Хайрли тун, кичкин-  
тойлар!»  
20.00 Время.

## РДТ

- 5.30 — 8.20 «Хайрли тунг, Рос-  
сия!».

7.15, 20.20 — «Навбатчи кисм».

8.20, 10.50 — «Гомеопатия ва са-  
ломатлик».

8.30 «Балиқ ови ҳақида мулокот-  
лар».

8.40 «ТВ-хамкор», «Метеохабар».

10.00 «Морена Клара». Телесери-  
ал.

11.20 Тонги киносеанс.

13.00 «Кичик шаҳардаги дўзах».

13.10 «Саломатликка». Ток-шоу.

12.00, 16.00, 18.00, 20.00, 24.00 — «Вести».

12.20 «Иккӣ рояль».

13.10 «Антонелло Клара». Телесери-  
ал.

14.05 «Еввойи фаришта». Телесери-  
ал.

15.00 «Ёндоғиз-ТВ». Телесери-  
ал.

15.25 «Айнан». Телесериал.

15.30 «Сирларимизнинг ёзи». Телесери-  
ал.

15.45 «Джентльмен-шоу».

16.00 «Эндижон». Телесериал.

<div data-bbox="434 408 560

## YAKSHANBA 12.09

## ЎзТВ I

- 6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.30 «Аҳборот».  
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.  
9.00 «Диер мадҳи». Мусикий дастур.  
9.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Алла».  
9.45 «Гаройбот».  
**«Умид» намойиш этади:**  
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».  
11.00 «Нурли келажак».  
11.30 «Шарқнинг машҳур аёллари».  
11.50 «Эл тийнчлиги ўйлида».  
12.15 Футбол бўйича Узбекистон чемпионати. «Хоразм» — «Дустлик».  
13.00 Н. Норқобилов. «Куёши ботмайдиган юрт». Видеофильм. 6-кисм.  
14.00 Теннис бўйича «Ўзбекистон Президенти кубоги» VI Халқаро турниридан репортаж.  
18.00 «Олтин тоҳ». Телевизион ўйин.  
18.20 «Кишил ҳақида ўйлар».  
18.40 «Яхши кайфият». Мусикий дастур.  
18.55 «Ўзлик». Бадиий-тичилик кўрсатув.  
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.  
19.30 «Тахлинома» (рус тилида)  
20.05 «Оламга саёҳат».  
20.30 «Тахлинома».  
21.15 Телевизион миниатюларлар театри.  
21.50 Теннис бўйича «Ўзбекистон Президенти кубоги» Халқаро турнири кундаглиги.  
22.05 Эркин кураш бўйича Узбекистон чемпионати.  
22.30 Н. Норқобилов. «Куёши ботмайдиган юрт». Видеофильм премьераси. 7-кисм.  
23.30 TB-1 намойиш этади: Телевизион.  
**«Аср мўжжизаси» кинодастури.**  
23.45 Кино янгиликлари.  
24.00 «Ўзбек киноси ижодкорлари».  
00.20 «Борже узуги». Бадиий фильм. 3-4 сериялар.  
01.50-01.55 Ватан тимсоллари.

## ЎзТВ II

- 8.55 Кўрсатувлар дастур.  
9.00 «Якшанбада яхши дам».  
9.40 «Янги авлод» студияси намойиш этади.  
10.30 «Кусто командасининг сувости саргузашлари».

## ЎзТВ III

- 8.45 Кўрсатувлар дастур.  
8.50 Соғлом бўйай десангиз.  
9.00 «Аёл — она, мураббий, раҳбар» клубида кадрлар тайёрлаш мислий дастuri.  
9.25 «Ерілтош». Мульттўплам.  
9.45 Болажонлар экрани.  
11.00 «Хусусийлаштириш: қадам-бакадам».  
11.20 «Нафосат гулшани».  
11.45 «Беба Бланка». Телесериал.  
12.30 «Туризм ҳақида».  
13.00 «Суҳбатдош».  
13.25 «Жавоҳирлар соҳили».  
13.40 «Спорт-тайм».  
14.05-15.40 Тракторий фильмлар экрани.  
17.55 «Якшанбада якшанбагача».  
18.10 «Ерілтош». Мульттўплам.  
18.30 «Латифа».

- 18.45 «Камолот сарис».  
19.05 Табриклийиз, кутлаймиз.  
19.25, 19.55, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.  
19.30 «Тахлинома».  
20.05 «Ибрат».  
20.30 «Тахлинома».  
21.15 «Ватанин севмок-иймон-дандур».  
21.45 «Дилором наволар».  
22.00 «Даллас». Телесериал.  
22.50 «Ийлар ортидаги ўйлар».  
23.20 Оҳанлар ва эълонлар.  
23.30 Кинонгоҳ.  
01.40 «Хайрли тун, шахрим!»

## ЎзТВ IV

- 9.00 Кўрсатувлар тартиби.  
9.05 «Эртакларнинг сехрли олами».  
10.45 «Парле ву франсэ?»  
11.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)  
11.20 «Ҷўлбарс ва мушукча». Бадиий фильм.  
13.00 «Фан-тайм» (Болалар учун инглиз тили)  
13.10-13.55 «Дўстлик» видеонали. «Айчурек», «Дидар».  
17.30 Кўрсатувлар тартиби.  
17.35 «Тенгдошлар».  
17.55 «Бу ажаб дунё».  
18.10 «Олтин серия». «Мимино» комедияси.  
20.00 Мюзик-холл.  
20.20 «Кинопрофи».  
20.40 «Интернет худуди».  
20.55 «КВН-99».

## \*

- 23.30 Лаки-Страйк намойиш этади. «Аризона тарбияси». Бадиий фильм.  
01.00 «Тахлинома» (рус тилида)  
01.30 «Түннинг осуда бўлсун!»

## 30-КАНАЛ

- 9.05 «Мусикий тонг». Мусикий-дам олиш дастuri.  
9.30, 13.45, 18.00, 19.50, 00.20 — «ТВ-хамкор», «Метеохабар», «Хазиналар ороли». Болалар олиш-маърифий дастuri.  
10.00 Болалар канали.  
10.30 Болалар учун фильм.  
11.45 «Клип-совфача».  
12.00 «Тушки кино».  
14.15 «Капалаклар ороли». Ёшлар учун сериал.  
15.00 «Олайвий кино».  
16.40 «Брейн-ринг». Интеллектуал ўйин.  
17.35 «Кинопанорама. Учрашувлар».  
18.30 «Висол». Мусикий дастuri.  
19.00 «Омerta ёки сукт сақлаш кодекси». Детектив сериал.  
20.20 «Клип-совфа».  
21.30 «30-канал»да якшанба кинокшоми.  
23.15 «Мак Гайвер». Саргузашт

- сериал(АКШ).  
24.00 «Бозор». Видеомода.

## РЖТ

- 6.30 «Жанговар машина экипажи» фильми.  
7.35 «Деҳон ахборотномалари».  
8.00 «Хамма нарса бўлиши мумкин!».  
8.30, 15.35, 16.00 — «Дисней-клуб».  
9.00, 14.00 — Янгиликлар.  
9.15 «Хамма уйдалигида».  
9.50 «Альф». Оиласвий комедия премьerasi.

- 10.25 Дм. Криловнинг «Ҷўлда ёзилмаган қайдлари».  
10.40 «Россияга хизмат қиламан!».

- 11.15 «Тонг юлдузи».  
12.00 «Кусто командасининг барча саёхатлари». Сериал.

- 12.50 «Янгра, гармони!».  
13.20 Евгений Петросяннинг «Кулини панорамаси».

